

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

**«ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ»
факультети**

**«Сув хўжалиги ва мелиорация»
кафедраси**

**«Химояга рухсат берилди»
Кафедра мудири
доц. Б.Суванов _____
« _____ » _____ 2012 й.**

Бакалавр даражасини олиш учун

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ
ИШИ**

**Мавзу: Аму-Қорақўл ирригация тизимидан сув олувчи “Бобурмирзо”
фермер хўжалиги ерларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш**

Бажарди:

Б.Баҳодиров

Раҳбар:

доц. И.Ж.Худойев

Бухоро - 2012

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ

(Олий ўқув юрти)

ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ факультети _____ СХ ва М _____ кафедраси
Сув хўжалиги ва мелиорация йўналиши _____ 4 _____ курс _____ 1 _____ гуруҳ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Сув хўжалиги ва мелиорация»
кафедра мудир
_____ доц. Суванов
2012 йил « _____ » _____

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба _____ Баходиров Б _____
(фамилия, исми, отасининг исми)

1. Битирув ишининг мавзуси Аму-Қорақўл ирригация тизимидан сув олувчи “Бобурмирзо” фермер хўжалиги ерларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш

Институтнинг " 30 " _____ 12 _____ 2011 й. № 312 а/ф _____ сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Битирув ишини топшириш муддати 01.06.2012 й

3. Битирув ишини бажаришга доир бошланғич маълумотлар Фермер хўжалигининг бош плани, объектнинг табиий иқлим шароитлари, ирригация тизими ҳақида маълумотлар

4. Ҳисоблаш – тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати)

Кириш, фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг табиий-иқлим шароитларини ёритиш, ер фонди ҳисоби, суғориш усули ва техникасини танлаш, қ/х экинларининг суғориш режимини қабул қилиш, ҳисобий сув сарфларини ҳисоби, каналларнинг гидравлик ҳисоби, ГМ ишларини ташкил этилиши, ХФХ, табиатни муҳофаза қилиш, иқтисодий ҳисоблар.

5. Чизма ишлари рўйхати (чизмалар номи аниқ кўрсатилади)

1. Фермер хўжаликнинг бош режаси
2. Келтирилган гидромодул графиги чизмаси
3. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги чизмаси
4. Асосий иқтисодий кўрсаткичлар

6. Битирув иши бўйича маслаҳатчилар:

№	Бўлим мавзуси	Маслаҳатчи ўқитувчи ф.и.о.	Имзо, сана	
			Топшириқ берилди	Топшириқ бажарилди
1.	Умумий қисм Техник қисм	Сувонов Б.У. Ҳамидов Ю.	05.05.2012 й	10.05.2012 й
2.	ГМИТҚ	Хасанов И.	06.05.2012 й	17.05.2012 й
3.	ХФХ	Жўраева С.	7.05.2012 й	17.05.2012 й
4.				

7. Битирув ишини бажариш режаси:

№	Битирув иши босқичларининг номи	Бажарилиш муддати (сана)	Бажарилганлиги тўғрисида имзо
1	БМИ бўйича маълумотлар тўплаш, кириш	10.01-23.02	
2	Умумий қисмни ёритиш	25.02-1.03	
3	Ер фонди ҳисоби	3-8.03	
4	Суғориш усули ва техникасини танлаш	10-15.03	
5	Қ/х экинларининг суғориш режимини қабул қилиш	17-22.03	
6	Суғориш тармоқларининг сув сарфлари	24.29.03	
7	Каналларнинг гидравлик ҳисоби	31.03-5.04	
8	Каналларнинг кўндаланг ва бўйлама қирқимлари	21-26.04	
9	ХФХ, табиатни муҳофаза қилиш	28.04-3.05	
10	ХФХ, табиатни муҳофаза қилиш	12-17.05	
11	Иқтисодий қисм	19-22.05	
12	БМИ ни расмийлаштириш	22-30.05	

Битирув иши раҳбари

Топшириқни бажаришга олдим

Топшириқ берилган сана _____ й.

доц. Сувонов.Б.УБаходиров Б.

МУНДАРИЖА

Кириш	6
II.УМУМИЙ ҚИСМ	9
2.1. Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни.....	9
2.2. Хўжаликнинг рельефи шароти.....	9
2.3. Хўжаликнинг иқлим шарт-шароитлари.....	10
2.4. Гидрогеологик шароитлари.....	11
2.5. Тупроқ мелиоратив шароитлари.....	12
2.6.Хўжаликнинг ҳозирги суғориш ташлама тармоқларининг ҳолати....	14
Хулоса.....	14
III.ТЕХНИК ҚИСМ	16
3.1. Хўжаликнинг лойиҳавий ер фондини ҳисоби.....	16
3.2. Суғориш усулини асослаш ва суғориш техникаси элементларини танлаш.....	17
3.3.Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш.....	20
3.4. Фермер хўжалиги суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш.....	25
3.5. Суғориш тармоқларининг ҳисобий брутто сув сарфларини аниқлаш....	28
3.6. Суғориш тармоқларининг гидравлик ҳисоби.....	30
IV. ГМ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ.....	35
4.1. Ишларни бажариш усуллари.....	35
4.2. Иш ҳажмларини ҳисоблаш.....	36
4.3. Машина ва механизмларни танлаш.....	37
4.4. Машиналарнинг иш унумдорлиги ва ишларнинг меҳнат сарфи.....	39
V. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ.....	43
5.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг назарий асослари	43
5.2. Меҳнат муҳофазаси.....	43
5.3. Ёнғин хавфсизлиги.....	46
5.4. Заҳарланганганда биричи ёрдам.....	47

VI. ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ.....	49
6.1. Табиат муҳофазасининг меъёрий талаблари.....	49
VII. ИҚТИСОДИЙ ҚИСМ.....	52
7.1. “Аму-Қоракўл” ирригация тизимидан сув олувчи «Бобурмирзо» фермер хўжалиги ер майдонларининг мавжуд ва лойиҳавий таркиби.....	52
7.2. Суғориш тармоқларини қайта қуришга сарфланадиган капитал маблағларни ҳисоблаш.....	52
7.3. Мелиоратив харажатлар ҳисоби.....	54
7.4. Хўжаликдаги асосий фондлар бўйича йиллик амортизация ажратмаларини бажарамиз.....	55
7.5. Суғориш учун бериладиган сув ҳажмини ва мелиоратив харажатларнинг экинлар бўйича тақсимланишини ҳисоблаш.....	56
7.6. Хўжаликдаги етиштириладиган ялпи маҳсулот ва унинг қийматини аниқлаш.....	57
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР	61
ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАР	63

Кириш

Тараққиётнинг бугунги босқичида республикадаги мавжуд чекланган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш барқарор ривожланишнинг асосий омилларидан бирига айланди. Ҳозирги даврда Орол денгизи теварагидаги ҳолат ҳудуддаги ерларда суғорма деҳқончилик, мелиорациялаш муаммоларини қайта кўриб чиқишни тақазо қилади. Бу хусусда бирламчи вазифалар қуйидагилардан иборатдир: суғоришда тежамкор технология ва техника яратиш ва унга ўтиш; юқори унумдорликли суғориш тизимларини қўллаш; тежамкор ва унумдор агротехникани жорий этиш; ердан фойдаланиш даражасини ошириш; ер ва экинлар ҳосилдорлигини кўпайтириш; ер ва сувдан фойдаланишни тартибга солиш ва унинг тизимини қайта кўриб чиқиш; табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг самарадорлигини таъминлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Президенти И.А. Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” (2009) асарида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодий инқирозни бартараф этишнинг асосий йўлларида бири эканлиги таъкидланган.

Президент Ислам Каримовнинг халқимизнинг сиёсий тафаккур хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшиладиган «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби истиқлол туфайли асл илдиэларимизга қайтиб, ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқига эга бўлганимизни, авлодларга ибрат ва намуна бўладиган буюк ишларни амалга оширганимизни яна бир бор ғурур-ифтихор билан таъкидлашга асос беради, деб ишонамиз.

Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришда қишлоқ хўжалик экинларидан юқори, сифатли ҳосил олиш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда зах қочириш ва суғориш тармоқларинини такомиллаштириш қўллаш катта самара беради.

Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,3 фоизни ташкил этди. 2000 — 2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,6 фоизни, чакана савдо айланмаси 16,4 фоизни ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди. Экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Республикамизда фойдаланиладиган сув ресурсларининг 92 % қишлоқ хўжалигида ишлатилади. Қишлоқ хўжалигида ишлатиларидиган 92 % нинг 40 % ортиғи бугунги кунда суғориш тармоқларининг номукаммалиги ва ерларининг нотекислиги туфайли исроф бўлмоқда. Ғўза, буғдой ва бошқа экинларни асосан эгатлаб, поллаб, бостириб суғорилади, бунда илмий асосланган суғориш режими ва тежамкор суғориш усулларига амал қилимаслиги сувнинг фильтрацияга кўп йўқотилиши сувдан фойдаланиш самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Мавжуд суғориш усули ва технологияларида сувчиларнинг кам унумли қўл меҳнатидан фойдаланилади, тупроқнинг бир текис намланиш равонлигига эришилмайди, сув сарфи меъёрлардан 1,5-2 баробар ошиб кетади. Натижада сувдан ва ўғитлардан кам самарали фойдаланилади, шунингдек атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатилади (тупроқ эрозияси, тупроқда пестицидлар, озик элементлари ва минерал ўғитларнинг тўпланиши ва сизот сувларига чиқиб кетиши, ер устки

ва сизот сувларининг булғаланиши, тупроқнинг шўрланиши ва ботқоқланиши ва бошқалар)

Текисланмаган далаларда ва шўрланишга мойил, кучли ва кучсиз сув ўтказувчан, гидроморф тупроқларда ер юзасидан суғоришда ер ости қатламга фильтрацияга кўп миқдорда сув исрофи кузатилади, шунинг учун таборо сув танқислиги ошиб бораётган шароитда, сув ресурсларидан самарали фойдаланадиган тежамкор суғориш технологияларини ва суғориш тармоқларинини такомиллаштириш долзарб муаммодир.

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”, ”Фермер хўжалиги тўғрисида” ги қонунлари, Ўзбекистон республикаси Президентининг 2008-йил 6-октябрдаги Ф-3077-сонли ”Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкаларининг ўлчамини оптималлаштириш” тўғрисидаги фармойиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 30-октябрдаги 476-сонли қарори ҳамда 2008-йил 16-октябрдаги 03/1-909-сонли топшириқ хати ижросини таъминлаш, шунингдек, ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг 2009-йил 13 январдаги 1/7-сонли йиғилиши баённомасига асоосланиб, 2009 йил 21-январдаги 29-сонли йиғилиши баённомасига биноан ташкил этилган

Юқорида келтирилган сабаблар, суғориладиган ерларга ажратилаётган сув захираларидан тўғри ва самарали фойдаланиш учун малакавий битирув ишимни: “Аму-Қорақўл ирригация тизимидан сув олувчи “Бобурмирзо” фермер хўжалиги ерларида суғориш сувидан самарали фойдаланиш” мавзуси билан номладик.

II. Умумий қисм

2.1. Фермер хўжалигининг жойлашган ўрни.

«Бобурмирзо» фермер хўжалиги маъмурий ҳудудий жойлашуви бўйича Бухоро вилоятининг Жондор тумани ҳудудида ирригация тизимлари ҳавиза бошқариви бўйича эса Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавиза бошқармасидаги Аму-Қорақўл ирригация тизими бошқармаси ҳудудида жойлашган бўлиб, вилоят маркази Жондор туманидан 20 км масофада жойлашган. Асосий алоқа йўли бу автомобил йўлидир.

2.2. Хўжаликнинг рельефи шароти

Тупроқ пайдо килувчи муҳим омиллардан яна бири рельефдир. У тупроқдарнинг вужудга келиши, тупроқ қоплами хилма-хиллигини вужудга келишини кўрсатади.

Рельф асосан қуёш радиацияси ва намликни ер юзасида қайта тақсимлашда иштирок этади. Бизнинг кузатишларимиз ва илмий ишларимиз олиб борилган туман ҳудудида 2 та геоморфологик район ажратилади.

Ҳрзирги замон Зарафшон дельтасининг қуйи қисми.

Қадимги Мохонқўл аллювиал-пролювиал пасттекислиги. Суғориладиган ерларнинг барча майдонлари шу геоморфологик районларда жойлашган. Қадимдан суғориладиган ерлар Зарафшон дарёси дельтаси текислигида жойлашган бўлса, янгидан ўзлаштирилган ерлар эса Мохонқўлни атрофида унча чуқур бўлмаган паст текисликларда тарқалган, ҳудуднинг жўда кўп жойлардан суғориш тармоқлари ва коллекторлар ўтказилган.

Урганилаётган ҳудуд аллювиал ва пролювиал ётқизиклар билан тулғазилган бўлиб географик жихатдан депрессияда жойлашган. Бу ётқизиклар оғир, енгил, ўрта қумлоқ ва қумдан иборат. Уларнинг тузилиши ва хусусияти турли қатламлардан иборат. Аллювиал ётқизикларнинг юза қисми агроирригацион келтирилмалари билан қопланган бўлиб, уларнинг қалинлиги 0,5-1,5 см ни ташкил этади.

Айрим жойларда эса ундан ҳам қалинроқ бўлиши мумкин. Масалан Жондор, Зарафшон, Ўзбекитон ҳудудларда уларнинг қалинлиги то 1,5 - 2,0 м гача. Маълумки, бу ёткизикларнинг пайдо бўлиши инсон фаолияти билан, яъни кўп йиллар двомида деҳқончилик маданиятини ривожлантириш билан боғлиқдир. Юқорида таъкидлагандек бу ёткизиклар механик таркибига кўра кўп жойларда ҳар хилдирлар. Шунинг учун улар кўп ҳолларда ҳар хил даражада шўрланган.

2.3. Хўжаликнинг иқлим шароитлари.

Ўзбекистон улкан Евро - Осиё континентининг марказида жойлашган. Мамлакатимизнинг ҳудудини бешдан тўрт қисми Ўрта - Осиёнинг чўл ва ярим чўл кенг ерларида жойлашган бўлиб, жанубий - шарқ ва шарқ томондан баланд тоғ тизмаларига бориб туташади. Шимолдан Жанубий Қозоғистон чўллари билан чегараланган бўлиб, шимолий – шарқ ва шарқдан Тяньшан билан, жанубий Шарқда эса Ҳисор - Олай тоғ тизмалари билан қушилиб кетган. Қизилқум ҳудудини қорақумдан Амударё бўйлаб унча баланд бўлмаган Устюрт платоси ажратиб туради.

Республика ҳудудидаги мавжуд иқлимнинг муҳим омили ер юзасига келаётган ва айниқса ёз ойларида кучаядиган қуёш радиациясидир. Марказий Осиё иқлим минтақасига кўз ташлаганда Зарафшон дарёси дельтасининг қуйи оқимида жойлашган Жондор тумани иссиқ чўл минтақасида жойлашганлиги маълум бўлади. Бу ерда ёз кунлари иссиқ, қиши эса анча совуқ тун билан куннинг орасидаги иқлим кескин ўзгариб туради. Ҳаво қуруқ, ёғингарчилик кам. Ёз фаслида ҳарорат иссиқ бўлиши экинларнинг нормал ўсишига таъсир қилади. Тупроқ қопламига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Жондор туманининг йиллик ҳарорати 20° С дан юқори. Пахта ўсиш давридаги мусбат ҳароратнинг йиғиндиси 4750 - 4950 °С. Иқлим қуруқсизлиги бу ерда ёғин - сочиннинг камлиги билан ифодаланади. 1 йилда ўртача 80-125 мм ёғингарчилик кузатилади. Ер сатҳидан парланиш йилига 2500 мм атрофидадир. Куз даврида ҳам қурғоқчилик кузатилади. Қиш ва баҳор даврида ёғингарчилик қисқа муддатли бўлади. Ёз ойларининг нисбий

намлиги 20% дан ортмайди. Ўсимлик ва тупроқ қатламига таъсир қилувчи яна бир омилга шамол таъсирини кўрсатиш мумкин. Масалан бу ерда шамолнинг йўналиши кўпроқ шимолий ғарбдан бўлиб туради. Шамол олиб келган қум ва қумлоқли заррачаларнинг суғориладиган ерларда таркалиши тупроқ қатламида ҳар хил механик таркибли тузилмаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бундан ташқари шамол ҳаво қурғокчилигига олиб келади. Бунинг натижасида ҳаво куруклиги ўз навбатида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини баргини, гулини туширишга сабаб бўлади. Парланиш ва буғланиш ёғингарчилик миқдориغا нисбатан 10-15 мартаба ошиб кетади.

2.3.1-жадвалда кузатув маркази маълумотларига кўра иқлимнинг асосий кўрсаткичлари келтирилган.

2.3.1-жадвали. Хўжаликнинг иқлим кўрсаткичлари
(“Бухоро шаҳар” кузатув маркази маълумотлари)

Кўрсаткичлар	Ойлар												Ўртача йиллик
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	
Ҳавонинг ҳарорати °C	1	3	10	19	25	29	30	29	22	15	5	-1	15,6
Ҳавонинг нисбий намлиги, %	74	65	50	39	36	31	25	30	32	52	71	77	48,5
Нам танқислиги, мм	2,1	3,1	7,5	16,2	22,5	30	33,9	30,2	20,6	10,2	2,9	1,4	15,05
Ёғингарчилик, мм	6,8	10,5	6,5	5,7	1,6	2,2	-	-	-	10,7	29,1	14,3	87,4

2.4. Гидрогеологик шароитлари.

Сизот сувлари ва уларнинг минераллашуви даражаси. Туманинг ер ости сувлари асосан ёғин - сочин, Зарафшон дарёси Аму -Бухоро машина канал ҳисобига таъминланади. Сизот сувлари асосан парланиш ва транспирация ҳамда ер остининг коллектор зовурларидан оқиб чиқиб кетиш ҳисобига сарфланади. Туман ҳудудидаги сизот сувлари қийинчиликлар билан

оқиб чикдб кетадиган жойда жойлашган. Рельфнинг кутарилган юқори қисмларида сизот сувларнинг оқиб чиқиши ва рельефнинг жойлашган пастки қисмида сизот сувларнинг чуқурлиги 1,5-3 м атрофида бўлиб уларнинг оқмиини таъминлаб туришда коллектор ва зовурлар катта роль уйнайди. Аммо айрим жойларда коллектор зовурлар орасидаги масофа ўзоқ ҳамда уларни баъзи бирлари ифлосланган. Сизот суви билан тулиб қолган, оқими талаб даражада эмас. Шунинг учун уларнинг ер ости сувларини тортиши сусайиб килган.

Сизот сувларининг сатҳи ўрганилган ҳудудда ер юзига яқин, 2-3 м чуқурликда жойлашган бўлиб март, апрель ойларига туғри келади. Ҳамда сизот сувларининг иккинчи кўтарилиши пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг интенсив суғориш даврида июль, август ойларида 1 - 2 м га қадар ер юзасига кўтарилади. Сизот сувларининг минераллашув даражаси суғориладиган ерларда 8 - 10 г/л ташкил этади. Туман ҳудудининг чекаларида паст жойларида яъни сизот сувларининг деярли оқиб чиқиб келадиган жойларида минераллашув даражаси юқори бўлиб 30 г/л га туғри келади.

Ер ости сизот сувларининг чиқариб ташлашда 1160,32 км дан ортик захкаш ва зовурлар ишлаб турибди. Суғориладиган ҳар бир гетар майдонда 28 п/м узинликдаги захкаш зовур туғри келади. Ер ости сизот сувининг сатҳи ўртача йил давомидатуманда 2,23 метрни ташкил қилмоқда, утган йил бу кўрсаткич 2,22 метрни ташкил қилган.

Ер ости сувларини кимёвий таркиби йилига 3 маротаба кузатув қудукқларидан олинган сув намуналари лабараторияда таҳлил қилиниб ўрганиб борилади. Туманда ер ости сизот сувлари кимёвий таркибини 1 г/л дан 10 г/л атрофидаб бўлмоқда. Туманда ер ости сизот сувларини кимёвий таркибини туришига суғориш сувининг кимёвий таркибига боғлиқдир.

2.5. Тупроқ мелиоратив шароитлари.

Қишлоқ хўжалиги экинларидан мул-кўл ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш,

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олишдан иборатдир. Бу чоралар асосан табиий зовурлар ёмон ер ости сизот сувларининг ҳаракатида бўлган ерларни қўллаш керак.

Мелиоратив ҳолати ёмон бўлган суғориладиган майдони чуқур юмшатгич билан 1 метр чуқурликда ҳайдаш тавсия этилади.

Суғориладиган ерларни кўпчилик қисмини мелиоратив ҳолати ёмон, шу сабабли бу майдонларда суний зовур қуриш талаб қилинади.

Тупроқ пайдо бўлиш жараёни маълум бир вақтда юз беради. Ҳар қандай тупроқ пайдо бўлиши жараёнининг янги босқичи (мавсумий, йиллик кўп йиллик) тупроқ профилида органик ва минерал моддаларнинг бошқа моддаларга айланишига аниқ ўзгартиришлар киритади. Шунинг учун вақт омили (В.В.Докучаев бўйича "Мамлакат ёши") тупроқларни вужудга келиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эгадир. Тупроқда икки хил абсолют ва нисбий ёш мавжуд.

Абсолют ёш деганда тупроқ пайдо бўла бошлагандан то ҳозирги давргача ўтган вақт тушунилади. У бир неча йилдан миллион йилларгача бўлиши мумкин. Нисбий ёш эса тупроқ пайдо бўлиш жараёнининг тезлигини яъни бир турдаги тупроқ ривожланиши бошқа босқичдаги алмашинувини ёки жадаллигини характерлайди. Шундай қилиб тупроқ ёши тупроқ пайдо бўлиш жараёнининг йўналиши ва тезлигига, жинсларнинг таркиби ва хоссаларига, рельеф шароити қабиларига катта таъсир кўрсатади.

Ҳудуда турли хил тупроқдарни ривожлантиришига (қадимда суғориладиган, янгидан суғориладиган ва боиқалар) олиб келади.

Туманимиздаги 33027 гектар майдонда 2377 гектар шўрланмаган, 20106 гектар кучсиз шўрланган, 8731 гектар ўрта шўрланган, 1813 гектар эса кучли шўрланганлиги аниқланди. Ўрта кучли шўрланган майдонларни камайтириш мақсадида 2012 йил ҳосили учун қишки шўр ювиш ва чуқур юмшатгичга алоҳида этибор керак. Ерларни шўрини ювиш бўйича тумандаги барча сув истеъмолчилар уюшмаларига тавсияномалар юборилди.

2.6. Хўжаликнинг ҳозирги суғориш ташлама тармоқларининг ҳолати.

Хўжаликнинг ҳозирги суғориш ташлама тармоқлари очик тупроқ ўзанли канал ариқлар ҳисобланиб, суғориш асосан ер устидан эгатлаб амалга оширилади. Суғориш тармоқларининг фойдаланиш коэффиценти $n = 0,64 - 0,70$ ни ташкил этади. Суғоришда иш уними паст хўжаликнинг ердан фойдаланиш коэффиценти $0,72$ ни ташкил этади. Хўжаликнинг тупроқлари шўрланмаган, аммо эррозияга мойил, суғориш сифати паст шунинг учун олинадиган ҳосилдорлиги режадагидан паст. Ҳозир хўжаликда ғўза ва кузги буғдой экинлари етиштирилади.

Хулоса

Хўжалик ҳудудида фермерлик фаолиятини иқтисодий самарали олиб бориш учун авваломбор сув исрофгарчилигига қарши курашиш, тупроқ эррозиясини олдини олиш тадбирларни амалга ошириш керак бўлади.

Бунда:

1. Суғориш тармоқларининг фойдалиш иш коэффиценти қийматини кўтариш;
2. Суғориш тармоқларини қайта лойиҳалаш;
3. Тупроқ эррозиясини олдини олиш тадбирлари натижасида ЕФКни қиймати ортади. қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳажми ва ерларнинг ҳосилдорлиги ортади.

Т О П Ш И Р И Қ

1. Хўжаликнинг брутто майдони **56 га**
2. Хўжаликнинг юритиш шакли йўналиши **фермер хўжалиги**
3. Хўжаликнинг йўналиши **пахтачилик-галлачилик**
4. Хўжаликда экиладиган экинларнинг таркиби:
 - а) **Гўза** 60 %
 - б) **Кузги бўғдой** 40 %
 - в) **Такрорий экин (маккажўхори)** 10 %
 - г) **Такрорий экин (сабзовот)** 10 %
5. Ердан фойдаланиш коэффициенти **0,90**
6. Хўжалик ички хўжалик тизимлари ФИК **0,92**
7. Ҳосилдорлик:
 - а) **Гўза** 28 ц/га
 - б) **Кузги бўғдой** 50 ц/га
 - в) **Такрорий экин (маккажўхори)** 280 ц/га
 - г) **Такрорий экин (сабзовот)** 260 ц/га

Рахбар доц. И.Худойев

III. Техник қисм

3.1. Хўжаликнинг лойиҳавий ер фондини ҳисоби.

“Бобурмирзо” фермер хўжалигига бириктирилган майдон қийматидан келиб чиққан ҳолда битирув малакавий ишига берилган техник топшириққа асосон хўжаликнинг лойиҳавий ер фонди ҳисобини амалга оширамиз.

“Бобурмирзо” фермер хўжалигининг ялпи ер майдони 56 га, брутто ер майдони 56 га ни ташкил этади.

Лойиҳавий ердан фойдаланиш коэффиценти қиймати ЕФК 0,90 қилиб, қабул қиламиз.

Фермер хўжалигида экин экиладиган нетто майдон қўйидагича топилади:

$$\omega^{нет} = \omega^{бр} \bullet ЕФК, = 56 * 0,9 = 51 \text{ га}$$

Фермер хўжалигида экинлар учун тўғри келадиган майдонларни аниқлаймиз. Ғўза экиладиган майдонни қўйидагича аниқланади:

$$\omega^{гуз} = \frac{\omega^{нет} \bullet n_{гуз}}{100} = \frac{51 \bullet 60}{100} = 30,6 \text{ га}$$

бу ерда: $\omega^{нет}$ - фермер хўжалигининг экин экиладиган нетто майдон, га

$n_{гуз}$ - ғўза экиладиган майдон фоизи.

Кузги буғдой экиладиган майдонни қўйидагича аниқланади:

$$\omega^{буз} = \frac{\omega^{нет} \bullet n_{буз}}{100} = \frac{51 \bullet 40}{100} = 20,4 \text{ га}$$

бу ерда: $\omega^{нет}$ - фермер хўжалигининг экин экиладиган нетто майдон, га

$n_{буз}$ - кузги буғдой экиладиган майдон фоизи.

Такрорий экинлар (маккажўхори ва сабзовот) экиладиган майдонларни қўйидагича аниқланади:

$$\omega_{\text{мак}} = \frac{\omega^{\text{нет}} \cdot n_{\text{мак}}}{100} = \frac{51 \cdot 10}{100} = 5.1 \text{ га}$$

$$\omega_{\text{саб}} = \frac{\omega^{\text{нет}} \cdot n_{\text{саб}}}{100} = \frac{51 \cdot 10}{100} = 5,1 \text{ га}$$

бу ерда: $n_{\text{мак}}$ $n_{\text{саб}}$ - такрорий экинлар (маккажўхори ва сабзовот)

экиладиган майдонлар фоизи.

3.1.1-жадвал. Фермер хўжалигида экиладиган экинларнинг ер фонди жадвали

№	Экин тури	Майдон, га	Майдон, %
1	Ёўза	30,6	60
2	Буғдой	20,4	40
	Фермер хўжаликнинг жами нетто майдон	51	100
	Такрорий экин (маккажўхори)	5,1	10
	Такрорий экин (сабзовот)	5,1	10

3.2. Суғориш усулини асослаш ва суғориш техникаси элементларини танлаш.

Суғориш усули – бу қишлоқ хўжалиги экинларини сувга бўлган талабини қондириш ёки суғориш меъёрини тупроқ фаол қатламига сингдириш услуби демакдир.

Суғориш усулини ва суғориш техникасини танлашда қуйидаги талблар қўйилади:

- суғориш сувини суғориш даласи узунаси ва тупроқ фаол қатлами чуқурлиги бўйлаб бир текис тақсимланиши;
- суғориш сувини тупроқ фаол қатлами остига сизилишга, ҳавога буғланишга ва ташламаларга йўл қўймаслик;

- тупроқ донаторлигини сақлаш, тупроқни ботқоқланишига йўл қўймаслик, суғоришни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш, суғоришда юқори иш унуми ва сифатига эришиш;
- суғоришда юқори иш унумдорлигига эришиш учун суғориш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш;
- тупроқ озук оладиган фаол қатламни сув, ҳаво, иссиқлик, туз ва озук режимларини бошқариш;
- кишлок хўжалик экинларидан юқори ва мунтазам ҳосил олишга эришиш;

Суғориш майдонида суғориш усулини танлашда иқлимга, тупроқ, ер рельефи, гидрологик гидрогеологик, биологик, хўжалик, сув хўжалик, иқтисодий ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда хўжалигимизда ер устидан эгатлаб суғориш усулини қабул қиламиз. Бунинг асосий сабаби бу усулнинг хўжалигида олдиндан қўлланиб келиниши ва унинг бир қатор устунликларга эгалигидир. Жумладан, оддийлиги, юқори суғориш меъёрини амалга оширилиши, ҳамда арзонлигидир. Шу билан бирга бу усулни қўллашда иш уними ва иш сифати паст. Сувдан фойдаланиш қиймати ҳам паст, тупроқда сув эрозияси мавжуд. Биз хўжалигимизда ер устидан суғориш жараёнида юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан суғориш тармоқларини очиқ нов кўринишида лойиҳаладик. Суғоришда сув навлардан юмшоқ қувурлар ёрдамида эгатларга сувни тарайди. Суғориш жихози сифатида кўчма паст босимли полиэтилен эгилувчан қувурларни қабул қиламиз.

Хўжаликни табиий тупроқ–мелиоратив, хўжалик шароитларида хўжаликда етиштириладиган кишлок хўжалик экинларидан мўлжалланган ҳосил олиш учун сунъий суғориш жараёнини амалга ошириш зарур. Фермер хўжалиги ерларини ўртача нишаблиги $i_{\text{ўр}} = 0,0054$ га тенг ва шамолнинг ўртача тезлиги 3,8 -8,8 м/с.

Тупроқлари ўрта қумоқ сусайган (оғир соз тупроқлар) сув ўтказувчанлиги секин хусусиятига эга, шўрланмаган, сизот сувлари сатҳи

2,0-2,1 м чуқурликда жойлашган ва кам минераллашган. Келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда фермер хўжалиги ерларини суғоришда республикада энг кўп тарқалган оддий ва арзон суғориш усули ҳисобланадиган ер устидан эгатлаб суғориш усулини танлаб оламиз.

Хўжаликка сув етказиб берувчи фермер хўжалик канали ва шохариқ нов каналлардан эгатларга сув тарқатиб бериш учун эгилувчан ёпик қувурларни лойиҳалаймиз. Бунда сув фермер хўжалик канали ва шохариқ нов каналларига, ундан сув туширишга иншоотларни ёки кўчма сифонлар ёрдамида эгилувчан қувурларга олинади ва қувурлардаги найчалардан сув эгатларга берилади. Тупроқнинг эгат бошидан охиригача бир текис намланишини таъминлаш мақсадида эгилувчан қувурларнинг кўндаланг кесим ўлчами ва сув сарфига боғлиқ қувур “Ўзмелиосувлойиха” ҳозирги “ЎзГИП” МЧЖ инситутининг тавсиясига биноан маълум нишабликда эгатлар бошига ётқизилади.

Эгилувчан қувурлар ҳар хил мелиоратив матодан тайёрланган бўлиб кўчма бўлади. Уларга сув шохариқ вазифасини бажарувчи новлардан сув туширгичлар ёки сифонлар ёрдамида олинади. Кўчма сув бериш қувурларининг маркалари бўйича уларнинг техник кўрсаткичлари (“Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси” китобининг 79 бет 3.1.2-жадвал) да берилган. КОП-200 маркали қувурни танлаб оламиз ва унинг асосий техник кўрсаткичлари қуйидагича:

Сув ўтказувчи эгилувчан юмшоқ қувурнинг техник кўрсаткичлари

1. маркаси – КОП-200
2. диаметри – $d=210$ мм
3. сув сарфи – $Q=20-40$ л/с
4. керакли босим – $h=1,0-1,5$ м
5. 1 та қувур узунлиги - $l_1=100$ м
6. қувурлар сони – 2 та
7. тешик орасидаги масофа – $a=0,9$ м
8. хизмат қиладиган ишчилар сони – 1 киши

9. материали – эгилувчан полиэтилен

Эгатлаб суғориш техникаси элементларига эгат узунлиги ($L_э$), эгатлараро масофа (a) ва эгат сув сарфи ($q_э$) киради. Эгатлаб суғориш техникаси элементлари ернинг ўртача нишаблиги $i_{\text{ўр}} = 0,0028$ тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва суғориладиган дала юзасининг текислигига боғлиқ танланади.

Фермер хўжалиги ерларининг ўртача нишаблиги ($i_{\text{ўрм}} = 0.0028$) тупроқлари енгил қумоқ ва сув ўтказувчанлиги юқори. Ушбу шароит учун Н.Т.Лактаев тавсиясига кўра эгатлаб суғориш техникаси элементларини олдиндан қуйидагича қабул қиламиз.

“Қишлоқ хўжалигида суғориш мелиорацияси” китобининг 70 бет 3.6-жадвалдан олинади.

- 1) эгат узунлиги $l_э = 130 \text{ м}$
- 2) эгат сув сарфи $q_э = 0,16 \text{ ё/с}$
- 3) эгатлараро масофа $a=0,9 \text{ м}$

Эгатларга сув беришда суғориш тармоқларининг кўндаланг схема бўйича жойлашиш усулини қўлаймиз. Кўндаланг схемада суғориш даласининг узунлигини эгатнинг узунлигига тенг қилиб олинади ва эгилувчан қувурлар эгат бошига шоҳариқ нов каналига параллел қилиб ётқизилади.

Кўчма паст босимли полиэтилен эгилувчан қувурлардан фойдаланилганда 150 л/с гача бўлган сувни бир сувчи бошқара олиши мумкин. Сувчининг иш уними 7-8 га гача боради. Бир сувчига бўлган мавсумий юклама 15 га ни ташкил этади.

3.3. Қишлоқ хўжалиги экинларининг суғориш режимини қабул қилиш.

Тупроқ мелиоратив районлаштиришда ҳисобга олинувчи асосий кўрсаткичлар тупроқ шакилланишининг йўналиши ривожланишини аниқлавчи иқлим, тупроқнинг литологик-геоморфологик тузилиши,

гидрологик ва мелиоратив-хўжалик шароитларидир. “Средазгипроводхлопок” институти, ҳозирги “ЎзГИП” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган тупроқ-иқлим районлаштирилишга кўра Амударё ва Сирдарё хавизалари майдони кенглик ва баландлик- полс минтақаларига бўлинган.

Фермер хўжалиги жойлашиш ўрни, (кенглик ва баландлик минтақалари бўйича) сизот сувларини таминланиши, тупроқ ҳосил қилувчи жинснинг литологик таркиби ва сизот сувларининг ётиш чуқурлик, қийматлари бўйича гидромодуль районини қабул қиламиз, “Бобурмирзо” фермер хўжалиги учун “ЎзГИП” МЧЖ тавсиясига асосан **М- II-A-в-VI** гидромодил районини қабул қиламиз ва унга мос қишлоқ хўжалиги экинларига сув бериш тартибини кўчириб оламиз 3.3.1- жадвалга ёзамиз.

Ойлик суғориш меъёри (m_i) қуйидагича аниқланади, $\text{м}^3/\text{га}$

$$m_i = \frac{M \cdot \beta}{100}, \quad \text{м}^3 / \text{га}$$

Бу ерда: M - мавсумий суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$

β - суғориш меъёрилари вегетация ойлари бўйича % даги тақсимооти.

m_i - ойлик суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$

Экинларнинг ойлик суғориш гидромодули (q_c) қуйидагича аниқланади, л/с. га

$$q_c = \frac{m_i}{86,4 \cdot t_{\text{ой}}}, \quad \text{л} / \text{с.га}$$

Бу ерда: $t_{\text{ой}}$ – суғориш ойидаги суғориш кунлар сони, кеча-кундуз

m_i - ойлик суғориш меъёри, $\text{м}^3/\text{га}$

86,4 – 1 кундаги секундлар сони

Экинларнинг ойлик келтирилган гидромодули (q_k) қуйидагича аниқланади, л/с. га

$$q_k = \frac{\alpha_i}{100} \circ q_c, \quad \text{л} / \text{с.га}$$

α_i - қишлоқ хўжалиги экинининг суғориш майдонидаги % миқдори.


3.3.1-жадвал натижасига кўра келтирилган гидромодули ордината қийматларининг вегетация давомида ўзгариш графигини чизамиз.

Бунда ҳар бир экин тури бўйича вегетация давомида келтирилган гидромодули қийматлари устма- уст қўйиб борилади. Графикдан энг катта ордината қиймати ($q_{э.к}$) аниқланади. Бу қийматни, кейинги ҳисобларда қабул қилиш учун, давомати 15 кеча-кундуздан кам бўлмаслиги керак. Барча ҳисобларни компьютер ёрдамида бажарилади.

3.3.1-жадвал “Бобурмирзо” фермер хўжалигида етиштириладиган экинларнинг суғориш тартиби ва

М- II-A-в-VI, гидромодил ҳисоби жадвали

Т/р	Экин тури	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	Суғориш даври, кун	Кўрсаткичлар	Ойлар									
					II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Ғўза $\alpha_i = 60$	9000	01.06- 05.09	$\beta, \%$					24	39	34	3		
				t, кун					30	31	31	5		
				m _i , м ³ /га					2160	3510	3060	270		
				q _c , л/с. га					0,83	1,31	1,14	0,63		
				q _k , л/с. га					0,50	0,79	0,68	0,38		
2	Буғдой $\alpha_i = 40$	3700	20.09- 15.05	$\beta, \%$	18	17	14	11				15	25	
				t, кун	28	31	30	20				11	30	
				m _i , м ³ /га	666	629	518	407				555	925	
				q _c , л/с. га	0,28	0,23	0,20	0,24				0,59	0,36	
				q _k , л/с. га	0,11	0,09	0,08	0,10				0,24	0,14	
3	Такрорий экин (маккажўхори) $\alpha_i = 10$	6700	1.05- 30.09	$\beta, \%$					12	38	32	18		
				t, кун					11	31	31	14		
				m _i , м ³ /га					552	1748	1472	828		
				q _c , л/с. га					0,58	0,65	0,55	0,68		
				q _k , л/с. га					0,06	0,07	0,06	0,07		
4	Такрорий экин (сабзовот) экинлари $\alpha_i = 10$	4600	20.06- 14.09	$\beta, \%$				14	21	28	25	12		
				t, кун				31	30	31	31	30		
				m _i , м ³ /га				938	1407	1876	1675	804		
				q _c , л/с. га				0,35	0,54	0,70	0,63	0,31		
				q _k , л/с. га				0,04	0,05	0,07	0,06	0,03		



3.3.1-чизма. “Бобурмирзо” фермер хўжалигининг келтирилган гидромодул графиги

3.4. Фермер хўжалиги суғориш тармоқларининг ҳисобий сув сарфини аниқлаш.

Фермер хўжалиги ер фонди ҳисобига асосан келтирилган гидромодул графиги қийматлари бўйича хўжаликдаги экинларнинг энг юқори сув истеъмоли даври учун белгиланадагина сув сарфининг қиймати қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\phi x. \kappa}^{\text{нет}} = \omega_{\phi x}^{\text{нет}} \times \bar{q}_{\text{max}}^{\text{кел}} = 51 \times 0,93 = 47,4 \text{ л / с}$$

бу ерда, $\omega_{\phi \delta}^{\text{íàð}}$ -фермер хўжалигининг нетто ер майдони, $\bar{q}_{\text{max}}^{\text{êäë}}$ -келтирилган гидромодулнинг максимал қиймати

Фермер хўжалиги каналининг минимал сув сарфи қуйидагича топилади:

$$Q_{\phi x. \kappa}^{\text{min}} = \omega_{\phi x}^{\text{нет}} \times \bar{q}_{\text{min}}^{\text{кел}} = 51,0 \times 0,37 = 18,9 \text{ л / с}$$

бу ерда $\bar{q}_{\text{min}}^{\text{êäë}}$ -келтирилган гидромодулнинг минимал қиймати, қуйидагича топилади:

$$\bar{q}_{\text{min}}^{\text{кел}} = \bar{q}_{\text{max}}^{\text{кел}} \times 0,4 = 0,93 \times 0,4 = 0,37 \text{ л / с} \times \text{г а}$$

Фермер канали хўжаликка керакли сувни таъминлаб берувчи канал бўлганлиги сабабли, унинг сув сарфини энг юқори сув истеъмоли давридаги фермер хўжалигига керак бўладиган сув сарфига тенг деб оламиз,

$$Q_{\phi. \kappa(1-\kappa)} = 47,4 \text{ л / с}$$

Минимал сув истеъмолида фермер каналининг (1-к) сув сарфи қуйидагича бўлади:

$$Q_{\phi. \kappa}^{\text{min}} = 18,9 \text{ л / с}$$

Суғориш даласига сув етказиб берувчи шох ариқнинг сув сарфини қуйидагича аниқлаймиз:

$$Q_{ша}^{нет} = \frac{Q_{фх.к}^{нет}}{n_{ша}} = \frac{47,4}{1} = 47,4 л / с$$

бу ерда $n_{ша}$ - бу бир вақтда ишлайдиган шоҳ ариқлар сони, дона

Муваққат ариқлар ўрнида сув ўтказувчи юмшоқ қувурларни қўллаймиз ва унинг сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{юм.к} = \frac{Q_{ш.а}}{n'_{юм.к}} = \frac{47,4}{1} = 47,4 л / с$$

бу ерда: $n'_{юм.к}$ -бир вақтда ишлайдиган сув ўтказувчи юмшоқ қувурлар сони, бу сон суғориш даласидаги муваққат ариқларнинг умумий сонига бўлинадиган қилиб белгиланади.

Муваққат ариқнинг жойлашиши ва сони суғориш схемаси турига боғлиқ. Агар суғориладиган ерларнинг ўртача нишаблиги $i \leq 0,007$ бўлса, бўйлама суғориш схемаси қўлланилади. Бизнинг фермер хўжалигимизда ерларнинг ўртача нишаблиги $i_{ehn} = 0,0038$ бўлганлиги сабабли бўйлама суғориш схемасини қабул қиламиз.

Битта шоҳ ариқдан сув оладиган майдон 10,2 га ташкил этади. Муваққат ариқ ўрнида сув ўтказувчи қувур 5,1 га майдонга сув беради ва икки томонлама суғориш натижасида 2 та суғорувчи юмшоқ қувурларга сув беради.

Ўқ ариқлар ўрнида суғорувчи юмшоқ қувурларни қўллаймиз ва уларнинг сув сарфини қуйидагича аниқлаймиз:

$$Q_{юм.к}^{нет} = \frac{Q_{т.юм.к}^{нет}}{n_{юм.к}} = \frac{47,4}{2} = 23,7 л / с$$

бу ерда: $n_{п.е}$ -бир вақтда ишлайдиган суғорувчи юмшоқ қувурлар сони, дона

Битта сув ўтказувчи юмшоқ қувурдаги суғорувчи юмшоқ қувурлар сони даланинг ўлчамларига ва эгатнинг узунлигига боғлиқ ҳолда қабул қилинади:

$$n_{\text{юмш.кув}} = \frac{L_{\text{дала}}}{l_{\text{э}}} = \frac{256}{128} = 2 \text{ та}$$

бу ерда $L_{\text{дала}}$ - экин даласининг узунлиги, м; $l_{\text{э}}$ - эгат узунлиги, м.

Суғорувчи юмшоқ қувурлар икки томонлама жойлаштирилганлиги сабабли, суғорувчи эгилувчан қувурлар сони 2 та бўлади. Эгат йўналиши бўйича нишабликка $i = 0,003$ ва тупроқнинг сув ўтказувчанлигига боғлиқ равишда ҚМҚ 2.06.03-85 га асосан суғориш техникаси элементларини ($l_{\text{э}}$ - эгат узунлиги, $q_{\text{э}}$ - эгатнинг сув сарфи, $a_{\text{э}}$ - эгатлараро масофа) қабул қиламиз:

1) эгат узунлиги $l_{\text{э}} = 128 \text{ м}$

2) эгат сув сарфи $q_{\text{э}} = 0,20 \text{ л / с}$

3) эгатлараро масофа $a = 0,9 \text{ м}$

Эгатларнинг сув сарфини аниқлаштириш мақсадида қуйидаги ҳисобларни бажарамиз:

Суғорувчи юмшоқ қувурдаги эгатлар сонини аниқлаймиз;

$$n_{\text{э}} = \frac{B_{\text{юм.к}}}{2 \times a_{\text{э}}} = \frac{200}{2 \cdot 0,9} = 112 \text{ та}$$

бу ерда $\hat{A}_{\text{pi.э}}$ - сув ўтказувчи юмшоқ қувурлар орасидаги масофа қуйидагича топилади, м; эгатлараро масофа $a = 0,9 \text{ м}$

$$B_{\text{юм.к}} = \frac{Z_{\text{дала}}}{n_{\text{юм.к}}} = \frac{400}{2} = 200 \text{ м}$$

$Z_{\text{дала}}$ - экин даласининг кенглиги, м; $n_{\text{pi.э}}$ - суғориш даласидаги сув ўтказувчи юмшоқ қувурлар сони, дона

Бир вақтда ишлайдиган эгатлар сонини аниқлаймиз:

$$n'_{\text{э}} = \frac{Q_{\text{ю.м.к}}^{\text{нет}}}{q_{\text{э}}} = \frac{23,7}{0,20} = 119 \text{ та}$$

Бир вақтда ишлайдиган эгатлар сонини умумий эгатлар сонига мувофиқ равишда қабул қиламиз, яъни бир вақтда ишлайдиган эгатлар сонини **112** та деб белгилаймиз. У ҳолда эгатнинг сув сарфини қайта аниқлаймиз:

$$q'_{\text{э}} = \frac{Q_{\text{ю.м.к}}^{\text{нет}}}{n'_{\text{э}}} = \frac{23,7}{112} = 0,21 \text{ л / с}$$

Суғорувчи қувурнинг иш такти қуйидагича:

$$M_{\text{ю.м.кув}} = \frac{n_{\text{э}}}{n'_{\text{э}}} = \frac{119}{112} = 1 \text{ тактда}$$

Сув ўтказувчи қувурнинг иш такти қуйидагича бўлади:

$$M_{\text{сுவ.утк.ю.м.кув}} = \frac{n_{\text{ю.м.кув}}}{n'_{\text{ю.м.кув}}} = \frac{2}{2} = 1 \text{ тактда}$$

Шоҳ ариқнинг иш тактини аниқлаймиз:

$$M_{\text{ш.а}} = \frac{n_{\text{ю.м.кув}}}{n'_{\text{ю.м.кув}}} = \frac{2}{1} = 2 \text{ тактда}$$

Эгатнинг суғориш вақтини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$t_{\text{э}} = \frac{0,1 \times m \times l_{\text{э}} \times a}{3600 \times q'_{\text{э}}} = \frac{0,1 \cdot 1000 \cdot 0,9 \cdot 128}{3600 \cdot 0,21} = 15,2 \text{ соат}$$

Сув ўтказувчи юмшоқ қувурнинг иш вақтини текширамиз:

$$t_{\text{ут.ю.м.кув}} = M_{\text{ю.м.кув}} \times M_{\text{сுவ.утк.ю.м.кув}} \times t_{\text{э}} = 1 \cdot 1 \cdot 15,2 = 15,2 \text{ соат}$$

Сув ўтказувчи қувур билан бир томонлама суғоришга 15,2 соат вақт сарфлайди.

3.5. Суғориш тармоқларининг ҳисобий брутто сув сарфларини аниқлаш

Хўжалик ички суғориш тизимида сув исрофини камайтириш ва фойдали иш коэффициентини ошириш мақсадида фермер канали (1-К) ва

шоҳ ариқларни нов канали шаклида, муваққат ариқ ва ўқ ариқлар ўрнига эгилувчан юмшоқ қувурларни қўллаймиз.

Суғорувчи юмшоқ қувурларнинг брутто сув сарфлари қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{ю.м.кув}}^{\text{бр}} = \frac{Q_{\text{ю.м.кув}}^{\text{нет}}}{\eta_{\text{ю.м.кув}}} = \frac{23,7}{0,98} = 24,2 \text{ л / с}$$

бу ерда $\eta_{\text{п.и.э.а}}$ - юмшоқ қувурнинг фойдали иш коэффициенти

Сув ўтказувчи юмшоқ қувурнинг брутто сув сарфи қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\text{ут.ю.м.кув}}^{\text{бр}} = \frac{Q_{\text{ут.ю.м.кув}}^{\text{нет}}}{\eta_{\text{ю.м.кув}}} = \frac{48,4}{0,98} = 49,4 \text{ л / с}$$

бу ерда $Q_{\text{о.д.п.и.э.а}}^{\text{н.т}}$ - сув ўтказувчи юмшоқ қувурнинг нетто сув сарфи, л/с

$$Q_{\text{ут.ю.м.кув}}^{\text{нет}} = n_{\text{ю.м.кув}} \times Q_{\text{ю.м.кув}}^{\text{бр}} = 2 \times 24,2 = 48,4 \text{ л / с}$$

$i_{\text{п.и.э.а}}$ - бир вақтда ишловчи суғорувчи юмшоқ қувурлар сони, дона

Шоҳ ариқ нов каналининг брутто сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{ша}}^{\text{бр}} = \frac{Q_{\text{ша}}^{\text{нет}}}{\eta_{\text{нов}}} = \frac{49,4}{0,97} = 50,9 \text{ л / с}$$

бу ерда $Q_{\text{ша}}^{\text{нет}} = n_{\text{ут.ю.м.кув}} \times Q_{\text{ут.ю.м.кув}}^{\text{бр}} = 1 \times 49,4 = 49,4 \text{ л / с}$

$i_{\text{о.д.п.и.э.а}}$ - бир вақтда ишловчи сув ўтказувчи эгилувчан қувурлар сони, дона, $\eta_{\text{н.а}}$ -0,97 нов каналининг фойдали иш коэффициенти

Фермер нов каналининг брутто сув сарфини аниқлаймиз:

$$Q_{\text{ф.н.к}}^{\text{бр}} = \frac{Q_{\text{ф.н.к}}^{\text{нет}}}{\eta_{\text{нов}}} = \frac{50,9}{0,97} = 52,5 \text{ л / с}$$

бу ерда $Q_{\text{ф.н.к}}^{\text{нет}} = n_{\text{ша}} \times Q_{\text{ша.а}}^{\text{бр}} = 1 \times 50,9 = 50,9 \text{ л / с}$

$i_{\text{о.д.а}}$ - бир вақтда ишловчи шоҳ ариқлар сони, дона

Фермер хўжалиги ички суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти қуйидагича бўлади:

$$\eta_{ХИСТ} = \eta_{ю.к} \times \eta_{ут.ю.м.к} \times \eta_{ш.а} \times \eta_{ф.н.к} = 0,98 \times 0,98 \times 0,97 \times 0,97 = 0,90$$

бу ерда:

$\eta_{p.ê}$ - суғорувчи юмшоқ қувурнинг фойдали иш коэффициенти

$\eta_{ôò.pì.ê}$ - сув ўтказувчи юмшоқ қувурнинг фойдали иш коэффициенти

$\eta_{ø.â}$ - шоҳ ариқ нов каналининг фойдали иш коэффициенти

$\eta_{ô.í.ê}$ - фермер нов каналининг фойдали иш коэффициенти

Фермер хўжалиги ички суғориш тизимининг брутто ҳисобий сув сарфлари стандарт қийматга яхлитлаб оламиз.

$$Q_{ю,к}^{\bar{p}} = 24,2 \text{ ё/с} = 25 \text{ ё/с}$$

$$Q_{ут.ю.м.кув}^{\bar{p}} = 49,4 \text{ л/с} = 50 \text{ л/с}$$

$$Q_{ш.а.нов}^{\bar{p}} = 50,9 \text{ ё/с} = 51 \text{ ё/с}$$

$$Q_{ФХК_{юв}}^{\bar{p}} = 52,5 \text{ ё/с} = 53 \text{ ё/с}$$

3.6. Суғориш тармоқларининг гидравлик ҳисоби

Суғорувчи юмшоқ қувурнинг диаметрини аниқлаймиз:

$$d_{ю.м.кув} = 1,13 \sqrt{\frac{Q_{ю.м.кув}^{\bar{p}}}{v_{ю.м.кув}}} = 1,13 \sqrt{\frac{0,025}{1,5}} = 0,146 \text{ м} = 146 \text{ мм}$$

бу ерда: $v_{pì.êôâ}$ - суғорувчи юмшоқ қувурдаги сув тезлиги, м/с

$V = 1,5 \text{ м/с}$ – эгилувчан юмшоқ қувурлар учун тавфсия этилади.

Ҳисобланган юмшоқ қувур диаметрини мм ўлчамда стандарт қиймат бўйича қабул қиламиз. $d_{ю.м.кув}^{cm} = 160 \text{ мм}$. Эгилувчан қувурнинг маркасини. (Қишлоқ хўжалида суғориш мелиорацияси) китобининг 79 бет 3.12-жадвалидан қабул қиламиз.

Қабул қилинган эгилувчан юмшоқ қувурнинг техник кўрсаткичлари:

1. маркаси – ТП-120

2. диаметри – $d=160$ мм
3. сув сарфи – $Q=10-17$ л/с
4. керакли босим – $h=0,5-1,0$ м
5. 1 та қувур узунлиги - $l_1=100$ м
6. қувурлар сони – 2 та
7. 1 та қувурнинг о-ирлиги – 35 кг
8. материали – мелиоратив мато

Суғорувчи юмшоқ қувурдаги тешикларнинг диаметрини қуйидагича аниқлаймиз:

$$d_{\text{тешик}} = \sqrt{\frac{q_3}{3,48 \times \mu \times \sqrt{h}}} = \sqrt{\frac{0,00021}{3,48 \cdot 0,6 \cdot \sqrt{0,45}}} = 0,012 \text{ м} = 12 \text{ мм}$$

бу ерда: q_3 – ҳар бир эгатга бериладиган сув сарфи, $\text{м}^3/\text{с}$

$M=0,6$ га тенг сув сарфи коэффиценти;

$h_{\text{теш}}$ - эгилувчан қувур охириги тешигидаги пьезометрик босим.

$$h = 2,8 \times d_{\text{юм.кув}} = 2,8 \times 0,160 = 0,45 \text{ м}$$

Сув ўтказувчи эгилувчан қувурнинг диаметрини аниқлаймиз:

$$d_{\text{ут.юм.кув}} = 1,13 \sqrt{\frac{Q_{\text{ут.юм.кув}}^{\text{бр}}}{v_{\text{ут.юм.кув}}}} = 1,13 \sqrt{\frac{0,049}{1,5}} = 0,181 \text{ м} = 181 \text{ мм}$$

Ҳисобланган сув ўтказувчи юмшоқ қувурнинг диаметрини **210 мм** деб қабул қиламиз.

